

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 146 (11.457)

Баҳоси эркин нарҳда



«Мустақиллик биз учун —
ўзлгимизни англаш, юрт
тинчилиги ва барқарорлигининг,
инсон манфаати, эркинлиги ва
фаровонлигининг, биз кўзлаган
демократик жамият барпо
етишининг гаровидир»

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

2200
ТОШКЕНТ

Пойтахтимиздаги
«Туркистон»
саройида
«Ягонасан,
муқаддас Ватан!»
республика кўрик-
танловининг
«Ўзбекнаво»
эстрада
бирлашмаси
тизимидagi яккахон
хонандалар
ўртасидаги
республика якуний
босқичи бўлиб
ўтди.



«Ягонасан, муқаддас Ватан!»

ҚЎШИҚЛАРДА ВАТАН МАДҲИ

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси бosh директори А.Хайдаров Президентимиз Исроил Каримов раҳнамолигида Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, навқирон авлод маънавиятини юксалтириш, қалби ва онгига она юртга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини чуқур синдириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ўзининг юксак самараларини бераётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 7 апрелда қабул қилинган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида»ги қарори жонажон Ўзбекистонимизга бўлган чексиз меҳримизни изҳор этиш, гўзал Ватанимиз мадҳини юксак пардаларда тараннум этиш, халқимиз, айниқса, ёшлар қалбида ватанпарварлик, фи-

дойилик, юрт тақдири учун дахлдорлик каби олижаноб туйғуларни камол топтиришда муҳим омил бўлмоқда. Айни пайтда ушбу танлов турли ижодий ташкилотларда, вазирлик ва идоралар, таълим масканларида юксак ва кўтаринки руҳда ўтаётди.

Кўрик-танловнинг «Ўзбекнаво» тизимидаги босқичида уч мингдан ортиқ хонанда иштирок этиб, улардан қирқ саккиз нафари якуний республика босқичида ўз маҳоратини намойиш этди.

Биринчи ўринга Тошкент шаҳридан Гулзода Худойназарова Ўзбекистон халқ шоири Махмуд Тоир шевъри, Баҳрулло Лутфуллаев мусиқаси билан айтилувчи «Муқаддас Ватан» кўшиғи учун сазовор бўлди.

Иккинчи ўринга наманганлик Малика Эгамбердиева «Ўзбекистон» кўшиғи учун, бухоролик хонанда Субҳон Зойиров «Азиз Ватаним» кўшиғи учун, самарқандлик Хуршид Гадов «Ватан тинч



— биз тинч» кўшиғи учун, учинчи ўринга қорақалпоғистонлик Муҳаббат Душанова «Онажоним менинг Ўзбекистон» кўшиғи учун, сирдарёлик Озода Абдуғафорова «Пойтахтим — жоним шаҳрим», навоийлик Рушана Астонова «Ўзбек элим» кўшиғи учун, тошкентлик Зоя Цой «Кўз қарогим — Ватан» кўшиғи учун лойиқ топилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири
Муҳаммад Амин олган суратлар

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури — амалда

ЁШ МАТЕМАТИКЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Ўзбекистонлик ўқувчи-ёшлар 10-22 июль кунлари Германиянинг Бремен шаҳрида бўлиб ўтган математика бўйича 50-халқаро олимпиадада битта кумуш, иккита бронза медални қўлга киритди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигида бўлиб ўтган учрашувда мамлакатимизда малакали кадрлар тайёрлаш, ёшларга пухта билим бериш, уларни миллий қадриятларимизга хурмат ва эҳтиром руҳида тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгилангани алоҳида таъкидланди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумийлиги дастури ўғил-қизларга билим беришни сифат ва мазмун жиҳатдан янги, янада юксак поғонага олиб чиқиш имконини бермоқда. Соҳага кўрсатилаётган эътибор натижасида ўқувчи-ёшлар барча фанлардан чуқур билимга эга бўлиш баробарида халқаро миқёсда ўтказилаётган олимпиадаларда, интеллектуал беллашувларда совринли ўринларни қўлга киритмоқда.

Германияда ўтказилган математика фани бўйича ўқувчи-ёшларнинг халқаро олимпиадасида жаҳоннинг 104 давлатидан олти юз нафардан зиёд ўқувчи иштирок этди. Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги академик лицей ўқувчиси Иброҳимбек Акрамов фахрий дипломга сазовор бўлди.

Мамлакатимиз ўқувчилари мазкур халқаро интеллектуал беллашууда 1997 йилдан буён совринли ўринларни қўлга киритиб келмоқда.

— Юртимизда ёшларнинг билим олиши, ўз иқтидорини намойиш этиши, қизиқиши ва ижодий салоҳиятини янада ривожлантириши учун барча шароит ва имкониятлар яратилган, — дейди Д.Салимова. — Буларнинг барчаси биз, ёшларни янада фаолроқ ва изланувчан бўлишга, яратилган шароитнинг қадрига етишга, билдирилган юксак ишончни оқлашга ундайди.

ЎЗА

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Республикаси Олий судининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Анжуманда мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазаси изчил таъминланаётгани таъкидланди.

• Жиззаҳ шаҳридаги «Ҳамзаобод» маҳалласида маҳалла раисларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчиларининг кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда шаҳардаги мавжуд 38 та маҳалла раисларининг маслаҳатчилари қатнашди ва ўз йўналишлари бўйича билим кўникмаларини намойиш этди.

• Шамширгирон қишлоғида Қиём Йўлдошев тошкентлик инвесторлар билан биргаликда «Шофиркон экваториалтекс» масъулияти чекланган жамиятини тузиб, тикув корхонасини ишга туширди. 60 га яқин маҳаллий ёшлар иш билан таъминланган янги корхонада ҳозирда мамлакатимиз Мустақиллигининг 18 йиллигига атаб соф пахтадан болалар учун кийим-кечаклар ишлаб чиқарилмоқда.

• «Марғилон механика заводи» акциядорлик жамиятида қишлоқ хўжалик техникаларини йиғиш йўлга қўйилди. Хитойлик шериклар билан ҳамкорлик янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга имкон яратмоқда. Ҳозирги кунда бу ерда Хитойдан келтирилган эҳтиёт қисмлардан мини-тракторлар ва мотомопедларни тайёрлаш амалга оширилмоқда.

• Бухоро вилоятидаги Жондор саноат касб-хунар коллежида туман Бандликка кўмаклашиш маркази томонидан бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Унда тумандаги 51 та корхона ва ташкилот 212 та бўш иш ўрни билан қатнашди. Ярмарка давомида юздан ортиқ киши доимий иш ўрни билан таъминланди.

• Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Бухоро вилояти филиали томонидан 12 та ёзги оромгоҳга 16,2 миллион сўмлик спорт анжомлари соғва қилинди.

• «Тошкент — Фарғона водийси» рақамли радиореле линиясини кенгайтириш лойиҳаси амалиётга жорий қилиниб, телефон тармоқлари сони 12 мингга оширилди. Натижада мазкур йўналишдаги телекоммуникация тармоқларининг ишончилиги таъминланди.

ЖАҲОНДА

• Европа Иттифоқи Кенгаши Грузиядаги кузатувчиларнинг миссиясини узайтириш масаласини кўриб чиқмоқда.

• Исроил ҳарбийлари кеманинг ракетага қарши янги мудофаа тизимини муваффақиятли тарзда синовдан ўтказдилар.

• АҚШ ва Хитой мамлакатлари ўртасида стратегик ва иқтисодий мулоқотларнинг биринчи босқичи бошланди.

• Ироқ ҳукумати ўзининг 10 та нефть ва газ лойиҳаларини 2-халқаро танловга қўйди.

• Кучли ўрмон ёнғинлари туфайли Грециянинг Заниф шаҳрида 70 нафар сайёҳ хавфсиз жойларга кўчирилди.

• Мексика ҳарбий денгиз флоты вакиллари Тинч океанида иккита тезорар катерни қўлга олди. Унинг бортида 7,5 тонна кокаин гиёвандлик моддаси бор экан. Икки катернинг беш нафар экипаж аъзоси (уларнинг уч нафари мексикалик, икки нафари Колумбия фуқаролари) Мексика Бош прокуратураси ихтиёрига топширилди. Айни пайтда тергов-суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

• Кеча Индонезиянинг Суматра оролида Рихтер шкаласи бўйича 6,1 баллик ер силқиниши қайд этилди.

• Кеча Чеченiston пойтахти Грозний шаҳрида террорчи-камикадзе концерт залига кирмоқчи бўлаётганида ички ишлар ходимлари томонидан тўхтатиб қўлинди. Ушбу жараёнда террорчининг ўзини ўзи портлатиб юбориши натижасида олти киши ҳалок бўлди. Шундан тўрт нафари милиция ходимларидир.

• Кеча Танзаниянинг шимоли-ғарбида йўловчи автобуснинг юк машинаси билан тўқнашиб кетиши натижасида 30 киши ҳаётдан кўз юмди.

• Велопойга оламида машҳур «Тур де Франс» мусобақалари кеча ниҳоясига етди. Унда умумий ҳисобда голиблик Испания вакили А.Кантаторга насиб этди.

• Испаниянинг жануби-шарқий қисмида минг гектардан ортиқ ўрмонларни йўқ қилган кучли ёнғинни ўт ўчирувчилар ниҳоят бартараф этишга муваффақ бўлдилар. Бирок жазирама иссиқ туфайли Италия ва Франциядаги ўрмон ёнғинларини жиловлашнинг иложи бўлмапти.

• Индонезияда иккита бош, иккита юрак ва битта тангага эга сиам эгизаклари дунёга келди. Мутахассисларнинг фикрича, ҳозирда ҳам, келажакда ҳам уларни ажратишнинг иложи йўқ.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар прокуратураси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазаси қилиш бosh бошқармаси томонидан 2009 йил 29-30 июль кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчилари ҳамда банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилади.

БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРМАРКАСИГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ!

Ярмаркада шаҳримизда фаолият кўрсатаётган корхона-ташкilotларнинг 21243 та бўш иш ўринлари таклиф қилинади. Жумладан, энг кўп учрайдиган касблар ва лавозимлар кесимида — 9957 та, туман ҳокимларининг қарорлари билан тасдиқланган касб-хунар коллежлари битирувчилари учун — 3532 та квота, фаолиятини бошлаган янги корхоналардан — 7754 та иш жойлари тавсия этилмоқда.

Ярмаркада 225 та корхона бевосита бўш иш жойлари билан иштирок этади ва унда куйидаги мутахассисликлар бўйича бўш иш ўринлари таклиф қилинади:

- шифокор ва ҳамшира — 875 та
- муҳандис — 401 та
- тикувчи-бичувчи-йиғирувчи — 338 та
- ўқитувчи-педагог — 108 та
- чилангар, электр-газлайвандчи — 121 та
- электрмонтажчи — 118 та
- иқтисодчи-ҳисобчи — 112 та
- қурувчи — 107 та
- механик — 85 та
- ҳайдовчи — 936 та

Ташкилий қўмита

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ШАЙХОНТОХУР** туман ҳокимлигида уюштирилган фаоллар йиғилиши яқинлашиб келаётган юртимиз Мустақиллигининг 18 йиллиги ҳамда азим пойтахтимизнинг 2200 йиллигига муносиб тайёргарлик кўриш масалаларига бағишланди.

✓ **КўЗ** касалликларини даволашнинг замонавий усулларида самарали фойдаланиш мақсадида Республика Кўз микро-жарроҳлик марказига замонавий тиббий технологиялар келтирилди.

✓ **ПОЙТАХТИМИЗДАГИ** турли гўшаларда, хусусан мактабларда 2009-2010 ўқув йили учун мактаб бозорлари ўз фаолиятини бошлади. Ушбу тадбир 1 октябргача давом этади.

✓ **«АЛОҚАЧИ»** ёзги болалар соғломлаштириш оромгоҳида **БУ-ГУН** тарбияланувчилар ўртасида «Гулла, яна — азиз дёрибим» мавзусида уюштирилган расмлар кўрик-танлови азим пойтахтимизнинг 2200 йиллигига бағишланди.



Тошкент шаҳрининг қайси томонидан кириб келманг, салобатли қад ростлаган минорага кўзингиз тушади. Ҳа, Тошкент телеминораси ўзининг муҳташам ва пурвиқорлиги билан пойтахтимизнинг рамзий тимсолига айлангани рост.



САЛОБАТИ БИЛАН ГЎЗАЛ

Ушбу улкан меъморий иншоотнинг бунёд этиш ишлари олти йил давом этиб, 1985 йилнинг 15 январида фойдаланишга топширилган.

Телеминора замонавий меъморчиликнинг энг илгор усуллари асосида қад ростлади.

— Бу иншоотнинг баландлиги 375 метрни ташкил этади, — дейди етакчи муҳандис Саид Толипов. — Лойиҳани яратишда сейсмик ҳолатлар ва шамол ҳаракатига бардошлилигига алоҳида аҳамият берилган.

Миноранинг асосий қисми 100 ва 200 метргача майдонни ташкил этади. 223,5 метрдан сўнг эса миноранинг антенна қисми бошланади. Шуни ҳам алоҳида ай-

тиб ўтиш жоизки, иншоотнинг юқори қисмида Тошкент телерадио узатиш маркази ишлаб турибди. Бу эса радио ва телеканаллар тўлқинларини ён-атрофларга узатиш имконини беради. Айни вақтда республика об-ҳавосини кузатиш ишлари ҳам олиб борилаётган.

Тошкент телеминораси Марказий Осиёда энг баланд иншоот сифатида тан олинган. Буни унинг Бугунжаҳон буюк миноралар жамиятига аъзо этиб қабул қилиниши ҳам кўрсатиб турибди. Тошкент телеминораси ва унинг музейи ҳақида ҳужжатли фильм яратилиши ҳам нур устига аъло нур бўлди.

Иншоот умрини узайтириш мақсадида бу ерда

катта ҳажмда таъмирлаш ишлари олиб борилди ҳамда Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан юқори баҳоланди. Энг муҳими, телеминоранинг архитектура кўриниши сақлаб қолинди. Тошкент шаҳри юбилейи олдида икки қаватли кириш мажмуаси ишга тушди ҳамда минорага ташриф буюрувчилар учун махсус ёпик йўлакдан фойдаланилмоқда.

Янги қурилган бинога республика радиоэшиттириш ва телевидение маркази кўчиб ўтди. Телеминора шахримиз меъморчилигида ўзига хос улкан ва бетакрор иншоотга айланиб қолди.

Ақбар АЛИЕВ

Куни кеча Гафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган «Биз мустақил юрт фарзандларимиз!» мавзuida болалар бадий ижодиёти фестивали бўлиб ўтди.

Фестиваллар

МУСТАҚИЛ ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

Фестиваль Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ва зирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва шаҳар Ўқувчилар ижодиёти маркази ҳамкорлигида ташкил этилиб, умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг Тошкент шаҳри тарихига оид билимларини янада бойитиш, бадий ижодиётнинг барча йўналишларида иқтисод ва маҳоратини намоийш этиш учун имконият яратиш мақсадида уюштирилди.

Тадбирда шаҳардаги болалар соғломлаштириш оромгоҳлари жамоалари асфальтга расм чизиш, юртимиз тарихи, авиасозлик, спорт ўйинлари, бошланғич техник моделлаштириш бўйича ўз билим ва маҳоратларини намоийш этишди. Олти майдонда фаолият олиб борган гуруҳларга майдонча масъуллари бириктирилди. «Гўзал ва обод шаҳрим», «Саломатлик — туман бойлик», «Соғлом бўлай десанг спорт билан шуғуллан», «Кувнок стартлар», «Техника мўъжизаси» йўналишлари бўйича беллашувларда гуруҳлар фаол ҳаракат қилдилар.

Кўрсатган натижаларга кўра Учтепа туманидаги 4-мактаб қошидаги «Камалак» болалар оромгоҳи биринчи ўринни эгаллади. Сергели туманидаги 284-мактаб қошидаги «Гулзор» оромгоҳи ва Юнусобод туманидаги 273-мактаб қошидаги «Камалак» оромгоҳи иккинчи ўринга, Миробод туманидаги 82-мактаб қошидаги «Умид» оромгоҳи ва Ҳамза туманидаги 144-мактаб қошидаги «Камалак» оромгоҳи учинчи ўринга лойиқ деб топилди.

— Ушбу фестивалнинг ўтказилиши оромгоҳларда ҳордиқ чиқараётган болажонларимизнинг қувончига янада қувонч бағишлаб, уларга кўтаринки кайфият улашди, — дейди Тошкент шаҳар Ўқувчилар техник ижодиёти маркази раҳбари С.Пиримқулова. — Бундай фестиваллар доирасида ёш авлоднинг порлоқ келажаги, мустақкам саломатлиги, онг ва тафаккурнинг янада теранлашуви ва ўзига бўлган ишончининг ортиши кўзда тутилган. Бу каби тадбирлар болаларнинг ҳам ақлан, ҳам жисмонан, ҳам маънавий етуклик сари чорлайди.

Тадбир доирасида бадий жамоаларнинг концерти ва болалар расмлари кўргазмаси ташкил қилинди.

Гулнора ДУРДИЕВА

Маҳаллаларда

«АЛЛОН»ДА ШОДИЁНА

Яқинда Собир Раҳимов туманидаги «Аллон» маҳалласида Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги ҳамда азим шахримизнинг 2200 йиллик юбилейига бағишланган «Муқаддасан, жонажон шахрим» мавзuida байрам тадбири бўлиб ўтди.



2009 YIL - QISHLOQ TARAQQIYOTI VA FAROVONLIGI YILI

Тадбир давомида 200 дан ортиқ аҳолига тўкин дастурхон ёзилиб, кам таъминланган, боқувчисини йўқотганлар ва ёлғиз истикомат қилувчиларга совғалар тарқатилди.

— Маҳалламизда бугунги кунда 3846 нафар фуқаролар истикомат қилади, — дейди «Аллон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Сайфулла Болтабоев. — Шаҳримизнинг қутлуг 2200 йиллик тўйини муносиб қутиб олиш учун биз ҳам ҳаракат қилиб, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва тозалаш ишларига алоҳида аҳамият қаратиб келмоқдамиз. «Гулга бурканган чаман», «Шаҳрим фаҳрим», «Маҳаллам — севимли масканим», «Одоб элнинг зийнати», «Саришталли уй», «Менинг жонажон шахрим» мавзуларида ўтказилган тадбирлар ҳам шаҳримизнинг 2200 йиллигига бағишланди. Ёшларимиз қалбида ўзлари яшаётган масканга нисбатан меҳр-муҳаббатни яна-

да кучайтириш, ўзбекона урф-одатларимизга ҳурмат билан қараш, қадриятларимизни қадрлашга ўргатиш борасида ҳам бир қатор маданий-маърифий, сиёсий-ҳуқуқий йўналишдаги тадбирларни уюштирдик. Уларнинг негизиде эса ёшларимизни ҳар томонлама қамол, илми ва изланувчан баркамол шахслар этиб вояга етказиш мақсади илгари сурилган. Бугунги байрам тантанаси ҳам иккита муборак сана муносабати билан ташкил қилинмоқда. Истаймизки, ўзбек маҳаллаларида ҳаммиша мана шундай тўкин дастурхонлар ёзилсин. Тўйларимиз тўйга улансин. Юртимиз тинч, дастурхонимиз тўкин бўлсин...

Тадбирда Тошкент шаҳар «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси Жалолдин Шохакимов, жамғарманинг Собир Раҳимов туман бўлими раҳбари А.Раҳимовлар сўзга чиқиб, яқинлашиб келаётган

қутлуг байрамлар билан йиғилганларни муборакбод этдиши.

«Аллон» маҳалласида уюштирилган байрам тадбири катта шодийнага айланиб кетди. Дилрабо куй-қўшиқлар, дилбар рақслар барча иштирокчиларда хуш кайфият уйғотди.

Шу каби байрам тадбирлари шахримизнинг бошқа туманларидаги маҳаллаларда ҳам ўтказилмоқда.

Гулнор САТТОВА
СУРАТДА: «Аллон» маҳалласида ўтказилган байрам тадбирдан лавҳа.

Ҳажимжон Солиҳов олган сурат

АЭРОКОСМИК МАКТАБНИНГ ЯНГИ МАВСУМИ

Ўзбекистон Фанлар академиясида Халқаро аэрокосмик мактабнинг навбатдаги — йигирма биринчи мавсуми очилди. Тадбирда олимлар, авиация ва космонавтика соҳаси мутахассислари, ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти Ш.Солиҳов ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида навқирон авлоднинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол, интеллектуал салоҳияти юқори, билимли этиб вояга етказишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Бу борада «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури жаҳон андозалари даражасидаги ўқув масканларини бунёд этиш, ўқитиш сифати ва мазмунини янада такомиллаштириш, иқтидорли ёшларни аниқлаш имконини бермоқда.

Юртимизда илм-фан, маданият, санъат, спорт каби фазо илми ҳам кенг ривожланмоқда. Бу борадаги ишлар самарадорлигини янада оширишда Халқаро аэрокосмик мактабнинг муносиб ўрни бор.

Мазкур мактабда муҳандислик, аэрокосмик ва компьютер техникасидан бошланғич билим берилди, ўқув ва тарбиявий амалиёт, илмий-техник, жисмоний ва махсус тарбия машғулоти олиб борилади. Мактабнинг ўн кун давом этадиган бу йилги ўқув машғулотида Тошкент шаҳри ҳамда барча вилоятлардаги умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежларидан ҳамда хорижий мамлакатлардан келган вакиллар — ўлтиз беш нафар ўқувчи қатнашмоқда.

Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги «Кизилсой» оромгоҳида ўз ишини олиб борадиган мактабда олимлар, мутахассислар, уювчилар иштирокида соҳага оид илмий, амалий машғулотлар, анжуман ва семинарлар, спорт мусобақалари, қизиқарли маданий-маърифий тадбирлар, интеллектуал беллашувлар, кўрик-танловлар ўтказилди.

— Халқаро аэрокосмик мактаб олган билимимизни амалиётда қўллаш учун муҳим аҳамиятга эга, — дейди Тошкент авиасозлик касб-хунар коллежи ўқувчиси Умид Жалилов. — Машғулотларда олимлар, профессор-ўқитувчилар ва етакчи мутахассислардан сабоқ олиш билан бирга, машҳур уювчилар сўхбати ва фаолиятга доир маслаҳатлардан баҳраманд бўлаётганимдан мамнунман.

Гўзал САТТОВА,
ЎЗА муҳбири

Ўтган куни Миробод туманида бунёд этилган ана шундай замонавий кўринишга ва барча қулайликларга эга бўлган «ROISON» бизнес марказининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда маҳаллий ҳокимият идоралари, юртимиздаги хорижий мамлакатлар элчихоналари, банк соҳаси раҳбар ва ходимлари, маҳаллий ҳамда хорижий корхоналар, компаниялар, фирмаларнинг вакиллари иштирок этишди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мустақиллик йилларида республикамизда барча жаҳонларда, айниқса иқтисодиёт ривожига сезиларли муваффақиятлар кўзга ташланмоқда. Бугунги кунда ўзининг қутлуг тўйини нишонлаш арафасида турган азим пойтахтимизда ҳам ишлаб чиқариш корхоналари ва хизмат кўрсатиш соҳаси динamik риважда ривожланмоқда, хорижий компанияларнинг ваколатхоналари муваффақиятли фаолият юритмоқда.

«ROISON» компанияси ҳам ана шу жараёнга ўз ҳиссасини қўшишни мақсад қилган ҳолда янги бизнес маркази фаолиятини йўлга қўйди. Мазкур марказ бугунги кун талабларига тўла жавоб берадиган

Жонажон Тошкентимизнинг 2200 йиллиги муносабати билан пойтахтимиз ўзгача чирой очмоқдаки, бунда жаҳон андозалари даражасида бунёд этилиб, фойдаланишга топширилаётган кўркам ва салобатли бино ва иншоотларнинг ўрни ўзига хосдир.

тарзда қурилган бўлиб, унда фаол ва самарали фаолият олиб бориш, мазмунли ва

ва алоқа хизматлари мавжуд бўлиб, шу билан бирга марказда фаолият кўрсатувчилар

Диққат, янгилик!

БИЗНЕС МАРКАЗИ ИШ БОШЛАДИ

кўнгилдагидек ҳордиқ чиқариш учун барча қулайликлар мавжуд.

Бинонинг умумий майдони 5 минг квадрат метрни ташкил этиб, ижарага бериладиган офис, 1- ва 2-қаватда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг барча талабларига жавоб берадиган ускуналар билан таъминланган банк хоналари мавжуд. Бизнес маркази замонавий ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, улар ёзда салқин, қишда эса иссиқ ва ёқимли ҳаво ҳамда хавфсизликни тўла таъминлайди. Бу ерда турли ахборот-технологик

ёшларнинг ишбилармон ҳамкорларини жойлаштиришлари учун қулай яшаш хоналари ҳам бор.

Бундан ташқари барча қулайликларга эга бўлган фитнес маркази, Италиянинг шеф-ошпази Антонио Бадини раҳбарлигидаги италиян ресторани хизмати ҳам йўлга қўйилди. Очилиш маросимига тақлиф этилган барча меҳмонлар бизнес марказ хоналари, кўзда тутилган барча қулайликлар билан батафсил танишдилар. Албатта, бу марказ юртимиз ва хорижий ишбилармонларга катта қулайлик бўлиб, ўзaro ҳамкорликни ривожлантиришда катта ҳисса қўшади.

(Ўз муҳбиримиз)

Иқтисодиёт

ЯНГИ МАҲСУЛОТ ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Бозор ва харидор талабларидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот турларини кўпайтиришга эришадиган «Ўзэлектроаппарат-Электросит» кўшма корхонаси очик акциядорлик жамиятида айни пайтда 900 нафарга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда.

Уларга яратилган қулай иш шароитлари, ижтимоий ҳимоянинг таъминланганлиги, саломатликларини тиклаш ва дам олишлари учун имкониятлар сифат ҳамда самарадорликда муҳим роль ўйнамоқда. Бугунги кунда мамлакатимиз халқ ҳўжалиги тармоқларини юқори ва паст вольтлик электр жиҳозлари билан таъминлашда ўз ўрнига эга бўлган мазкур корхонада цехларни модернизация қилиш, янги юксак унумли технологик дастгоҳ ва ускуналар билан жиҳозлашга эътибор қаратилган. Шу боис бўлса керак йилдан йилга ишлаб чиқариш ҳажми ортиб бормоқда. Жорий йилнинг ўтган беш ойи мобайнида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 17.819,2 миллион сўмини ташкил этгани, ўсиш суръати 145,8 фоизга етгани бунинг яққол мисолидир. Беш ойлик даврда 88,7 миллион сўмлик халқ истеъмолчи товарлари тайёрланди ва ўсиш суръати 221,6 фоизни ташкил этганлиги эътиборлидир. Шунингдек, алоҳида таъкидлаш лозимки, корхонада 100 нафарга яқин ёшларга кўшимча ишчи ўринлари ҳам яратилди.

Лазер мажмуаси, янги йиғув цехи иш бошлади. Бозорни ўрганиш асосида харидорларга тортиқ этилган дазмол маҳсулоти эса алоҳида дидзайни ва сифати билан ажралиб туради. «Чимган» деб номланган мазкур товарнинг 6 тури тайёрланмоқда ва ҳар томонлама қулайлиги боис харидорини топмоқда. Жорий йил охиригача 10 минг дона дазмол ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Тадбиркорлар янги лойиҳалар устида ҳам иш олиб боришмоқда, маҳсулот турларини кўпайтириш, рақобатбардошлигини оширишга эътибор қаратилган. Улар нафақат ички бозорда муносиб ўрин эгаллаш, балки жорий йилда экспорт ҳажминини ҳам оширишни мақсад қилишган. Корхона товарлари Тожикистон, Россия, Қозоғистон ва бошқа давлатларга экспорт қилинади.

Жамшид ҲАМРАЕВ

ТУРЛАРИ ОРТИБ БОРМОҚДА

Маҳсулотларнинг бугунги кун талабларига мос тарзда қадоқланиши ҳам унинг харидорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу боис ҳам бозорда ўз ўрнини топишга интилаётган тадбиркорлар қадоқлаш ашёлари кўринишига, истеъмолчи дид ва эҳтиёжга мос бўлишига эътибор қаратишмоқда. 2007 йилда ўзининг ишлаб чиқариш фаолиятини бошлаган «SERGE & PARTNERS» масъулияти чекланган жамиятида ҳам Америка технологияси асосида ювиш ҳамда тозалаш воситалари тайёрланмоқда ва қадоқланмоқда.

Айни пайтда 40 нафарга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган мазкур жамоада 10 хилга яқин маҳсулот турлари тайёрланиб, савдо шохобчалари орқали харидорларга етказиб берилмоқда. Маҳсулот тайёрлашда 80 фоиз маҳаллий хом ашёдан фойдаланилаётгани унинг таннархи арзонлашувида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Юртимизда тадбиркорлар учун яратилган шарт-шароитлар, қўллаб-қувватлаш ва берилаётган имкониятлардан унумли фойдаланишга интилаётган тадбиркорлар айни кунларда хориждан янги технологик линиялар келтириш саъй-ҳаракатида. Мазкур янги дастгоҳлар асосида эса суюқ ва қуқунли ювиш ҳамда тозалаш воситалари тайёрланиб, ички бозор импорт ўрнини босувчи маҳсулот билан таъминланади.

СИФАТЛИ ЭЛЕКТР ДВИГАТЕЛЛАРИ

Импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлашда маҳаллий хом ашёдан самарали фойдаланилаётгани, маҳсулот ишлаб чиқаришда зарур бутловчи қисмларнинг ўзимизда тайёрлашга эришилаётгани эътиборлидир.

«Uztelmach» масъулияти чекланган жамиятида ҳам бир неча йилдирки, электр двигателлари тайёрлаш йўлга қўйилган бўлиб, бунда тадбиркорларга Россия технологик линиялари кўл келмоқда. Шуни айтиш лозимки, корхонада тайёрланаётган рақобатбардор электр двигателларидан нефть, кимё, тоғ-металлургия, энергетика, қурилиш соҳаларида кенг қўлланилгани боис ҳам йилдан йилга буюртмалар кўпайиб бормоқда. Корпоратив биржада тадбиркорлар 2009 йил учун 2 миллиард сўмлик шартномага эга бўдилар. Шу боис ҳам буюртмаларни тез ва соз бажаришга саъй-ҳаракат қилинмоқда.

Шунингдек, жамоа мутахассислари изланишларни давом эттиришмоқда ва маҳсулот турларини янада кўпайтиришни, халқ ҳўжалиги турли тармоқлари ривожига, иқтисодиётимиз равангига муҳим ҳисса қўшишни асосий мақсад қилиб олшган.

Дилноза СОДИКОВА

Таълим

БАЙРАМЛАР ШУКУҲИ МУЖАССАМ

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, шахримиз ҳудудини обод этиш, кўкаламзорлаштириш, яшнатиш ишларида таълим муассасаларининг ҳам муносиб ўрни бор. Таълим-тарбия масканларига ўқитувчи ва ўқувчиларнинг саъй-ҳаракатлари билан жорий йилнинг ўтган ойларида Ҳамза туманида 170 минг тупдан зиёд ранг-баранг гул кўчатлари, 2200 туп манзарали, 1200 мевали ва 3000 тупдан зиёд бошқа турдаги даракт ниҳоллари ўтказилди, мавжудларига шакл берилиб, парвариши мунтазам олиб борилмоқда.

— Мактабларимизнинг моддий-техник базасини ривожлантириш, таълим даражаси ва сифатини ошириш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири Абдуманноп Собиров. — Жумладан, капитал таълимга киритилган 216, 226, 255-умумтаълим мактабларида сўнгги қурилиш ишлари бажарилмоқда ва янги ўқув йилида улар барча қулайликлари билан фойдаланишга топширилади. Режа асосидаги жорий таъмирлаш ишлари ҳам муваффақиятли олд этилмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, жорий йилнинг ўзига хос жозибаси бўлиб, она шахримиз Тошкентнинг 2200 йиллигини катта тантана билан нишонлаш арафасида. Шу боис ҳам шодиёни муносиб кутиб олиш мақсадида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилиб, уларда шахримизнинг тарихи, бой маданий мероси, дунё миқёсидаги ўрни, бугунги ва эртаси ҳақида батафсил маълумотлар берилмоқда. Турли танлов ва викториналар ташкил этилмоқда. Тошкент ҳақида стендлар тайёрланди. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, умумтаълим мактабларида «Она шахрим — Тошкентим», «Шахрим — фахрим» мазмурида тарихшунос олимлар ишторикада давра сўбатлари, «Шаҳарлар жавоҳири» шиори остидаги «Тошкент кеча ва бугун» интеллектуал ўйинлар уюштирилди.

лариди ҳам яқинлашиб келаётган Истиклол айёми ҳамда пойтахтимиз тўйига таратдуд авжиди. 510-мактабга таълим муассасасида ўтказилган «Қадрдон Тошкентим — 2200 ёшда» деб номланган болалар расмлари



кўргазмаси, Ёш томошабинлар театрида бўлиб ўтган «Истиклол юлдузлари» истеъдодли болалар фестиваллари кичкинтойларда катта таассуротлар қолдирди, голиблар муносиб тақдирланди. Тошкентнинг кутлуг тўйи муносабати билан истеъдодли ўқувчи-ёшларини аниқлаш, уларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш ва катта санъатга йўл очиб бериш мақсадида тумандаги «Авиасозлар» маданият саройида ўқувчилар ўртасида «Тошкент ниҳоллари» кўрик-танлови ўтказилди. Эътиборли томони, мазкур тадбирда 1300 нафардан зиёд ёш истеъдодлар қатнашиб, 151, 153, 155, 166, 226, 227-мактаб ва ўқувчилар иходиёти маркази ҳаваскорлари «Тошкент ниҳоллари»нинг шахар босқичи лауреатлари бўлишди.

Кутлуг шодиёналар тобора яқинлашаётган айни кулларда ҳам туман халқ таълими бўлими тасарруфидаги барча жамоаларда байрамлар шукӯи муҷассам бўлиб, таратдуд ҳам ана шунга яраша давом этмоқда.

Шарофат БАҲРОМОВА СУРАТЛАРДА: туман мактаблари фаолиятдан лавҳалар.

Ҳақимжон Солихов олган суратлар

Халқаро ҳаво транспорти ассоциацияси — IATA «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси IOSA (IATA Operational Safety Audit — IATA эксплуатация хавфсизлиги аудити) операторлари реестрига киритилганини расман тасдиқлади. «Ўзбекистон ҳаво йўллари»га тақдим этилган IOSA сертификати миллий авиакомпаниянинг эксплуатация хавфсизлигининг барча параметрлари IATA нормаларига тўла мос келишидан далолат. Ушбу сертификат хавфсиз авиаташувчининг халқаро мақомининг расмий исботидир.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси доим дунёдаги энг юқори сифат стандартларига мослашишга интилиб келмоқда. IOSA сертификати эга бўлиш миллий авиакомпаниямизнинг ўз фаолиятининг барча жиҳатларини такомиллаштириш борасидаги саъй-ҳаракатларининг самарасидир. IOSA сертификати ҳаво линияларидан биргаликда фойдаланиш бўйича ҳамкорлик шартномаларини тузиш, шунингдек, ҳамкор-авиакомпания парвозларига авиачигталар сотиш ҳуқуқини беришда авиаташувчилар учун умумэтироф этилган ва зарур ҳужжат хисобланади. Энг асосийси, ушбу сертификат авиакомпанияларнинг IATA, шунингдек, халқаро авиация альянсларига қўшилиши учун мажбурий талабдир.

Маълумки, парвозлар хавфсизлигини таъминлаш халқаро фуқаро авиациясининг муҳим вазифаларидан. Йўловчилар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида, парвозлар хавфсизлигининг зарур талабларига жавоб бермайдиган авиакомпанияларнинг «қора рўйхати» ҳам мавжуд. Бундай авиакомпанияларга дунёнинг кўплаб мамлакатлари парвоз қилиш тақиқланган, йўловчиларга эса уларнинг хизматларидан фойдаланиш тавсия этилмайди.

МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯМИЗ — IOSA СЕРТИФИКАТИ СОҲИБИ

Айни пайтда барча авиакомпанияларнинг парвозлари хавфсизлиги даражаси бўйича ҳолисона ахборотга эга бўлиш ва уни жаҳон ҳамжамиятига етказиш мақсадида 2003 йилда IATA томонидан IOSA эксплуатация хавфсизлигининг халқаро аудити дастури ишлаб чиқилиб, жорий этилди. Мазкур ҳужжат фуқаро авиациясининг ишлаб чиқариш фаолиятини бошқариш ва назорат қилиш тизимини баҳолаш бўйича бугун дунёда эътироф этилган стандартлаштирилган дастур ҳисобланади.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси аудитга тайёргарлик кўриш жараёнида ўзининг барча асосий ишлаб чиқариш бўлимларини Халқаро ва транспорт ассоциацияси томонидан ишлаб чиқилган парвозлар сифати ва хавфсизлиги стандартларига мувофиқ такомиллаштириш ҳамда зарур ҳолларда қайта ташкил этди. 900 дан ортиқ стандартни ўз ичига олган рўйхатга фуқаро авиацияси фаолиятининг барча асосий йўналишлари киритилган. Аудитдан муваффақиятли ўтиш барча стандартларнинг 100 фоиз бажарилганидан далолатдир.

Миллий авиакомпаниямиз ушбу масъулиятли синовдан муваффақиятли ўтди. Жорий йилнинг апрелида текширув ўтказган компаниямиз IOSA аудити аяқунлангани ҳақида расман эълон қилди, 2009 йилнинг 16 июнида эса IATA тегшли тадбирларни ўтказганидан сўнг, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси IOSA операторлари расмий реестрига киритилди. Ушбу реестрда МДХдаги авиакомпаниялардан Россиянинг «Аэрофлот» компанияси бор.

Шундай қилиб, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси «Sky Team» альянсига қўшилиш борасида навбатдаги муҳим қадамни қўйди. Айни пайтда жаҳонда йўловчи ва юк ташини бозорининг 35 фоизини назорат қиладиган ушбу альянс таркибига 14 авиакомпания — «Korean Air», «KLM», «Air France», «Al-Italia», «CSA», «Aeroflot», «Delta», «North West», «Continental», «Aeromexico», «China Southern Airlines», «Air Europa», «Kenya Airways» ва «Copa Airlines» авиакомпаниялари кирди.

«Sky Team» халқаро альянсига қўшилиш «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг халқаро авиатранспорт тизимига интеграциялашуви, парвозлар хавфсизлиги ва мунтазамлигини, шунингдек, кўрсатилаётган сервис хизматлари даражасини ошириш учун янги имкониятлар яратди.

IOSA операторининг ушбу сертификатини ҳақли равишда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясига нуфузли халқаро ташкилот томонидан берилган юскак баҳо, деб айтиш мумкин. Бу эса миллий авиакомпаниямиз учун жаҳон авиаташуви соҳасида янги уфқлар очди.

(Ўза)



УЛУҒ САЛТАНАТ

(Тетралогиянинг «Мирношоқ Мирзо» номли учинчи китобидан айрим боблар)

Муҳаммад АЛИ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти лауреати

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

Соғинч бика тап тортмай айтилган бу сўзларни эшитиб хижолат чекиди, бундай гапларни айтиш эмас, ҳатто уйлашга уялади. Кўчқордай ўил туғиб берармиш! Соғинч биканинг юзлари қизариб кетди...

Билкис бегимнинг ҳазил билан бошланган гаплари жанжалга олиб келди. Халигина ашаддий рақиблардай тортишишган Зубайдабону билан Робия бегимлар энди бир-бирини қўллаб-қувватлашиб, жаврашарди:

- Бекорларни айтибдурсан!
— Улақол, қажаҳон бўмай!
— Сени олмайдурлар!
— Нима қиладур сендай лапсосни!
— Бошларига урадурму?..
— Ёстик қили-и-и-иб ётадурлар! Ёстикқа ярайсен! Хо-хо-хо!

— Вой, борақол! Борақол!.. Жудам кўзлари учиб турибди-да!..

Шовқинда биров бировга кулоқ солмасди. Нарироқда болганган отлар кулоқларини чимириб, қизлар томонга қараб-қараб қўйишарди.

Қизлар чувилашиб: «Кўйингизлар! Тегиб кўрсин! Тегиб кўрсин!», «Яна нималарни истайдилар?..», «Вой, қиз бўмай ўл, уятсиз!..» деб кесатишарди. Билкис бегим ҳам вайсашдан тўхтамас, аммо унинг овози бошқалар ичида кўмилиб кетарди.

— Соғинч! Соғинч! Анови бети қаттиққа бир нима де!.. Гапингни олади!.. — кўйинишарди қизлар барини ҳайрон кузатиб ўлтирган Соғинч бикага... Овозлар ичида Зубайдабонунинг овози ажралиб турарди.

Қизларнинг айтишича, шахзода Муҳаммад Султон Юсуф алайҳиссаломдай гўзал сўмбатли, тенги йўқ, чақмоқдай йилит эмиш. Гулзорга қадам гуллар ўша томонга қараб анграйишармиш. Ариқ ёнидан ўтса, оқиб бораётган сув ҳам тўхтаб орқасига қайдилиб, «Ким экан? Бир қарай-чи!» дея, унга мафтун боқармиш. Еллар изини ўлиб парвона эмиш. Оғтиб суюкли шахзода умидидагина ҳар қуни фалак сахнига йўл олар эмиш. Ой кечалари унга бир назар ташлаш орзусида булутлар аро сарғашта кезар экан...

Шахзодага Соғинч биканинг узроқроқ тикилган даби ҳам шу: доврди дoston, қизлар мажлисларининг соимий ҳақрамонини яхшироқ боқиб, дийдорга тўйиб олмақчи эди. «Узроқроқ тикилди» десак, ёлғон бўлар, очиги, қиз отбоддай балқиган йилитдан кўзини узолмай қолди...

Муҳаммад Султон дарҳол нарида утлаб юрган жийронни келтиришларини бурди, кўприқдан ўтиб, Жўйи Зар тарафга от қўйди. Ортига, Лявличек бика томонга қарашини жуда-жуда истади-ю, бироқ Амир Аллоҳдоддан уялиб ўзини тийди. Чунки нуфузли амирнинг уни зимдан кузатиётганини сездди.

Изма-из икки амир ҳам тулпорларига қамчи босди-лар.

IV

Бухоро шахрига етганда Амир Темуру бутун аъзои баданида қандайдир ҳорғинлик сездди. Унг оёғи яна зирқирай бошлади. Гўё оёқнинг ичида қилдеккина сим бор-у қимдир уни дам-бадам тортиб-тортиб ўйнар, шундан ёқимсиз оғрик беҳузур қиларди. Пахлавон жуссали, бақувват, танаси пишқ соҳибқирон эътибор бериб ўтирмади. Волидан муҳтарамаси Текина Хотун турилган Бухоро шахрини бағоят эъозлар, она маконим дер, ҳар сафар ташриф бурганда ҳурмату эҳтиром, фавқулодда ҳаяжон, аллақандай жондошлик туйғулари қалбига руҳ бағишларди.

Одатга кўра, шахарнинг азиз-авлиёлар қадамжоларини зиёрат қилди, Сомонийлар мақбарасига борди, хижрий 522' йилда қорахоний Арслонхон қурдирган, бир юз олтими йилдан бери кўкка буй қўзиб турган минорага нечанич бордир, эсида йўқ, гурур-ла боқди, завқланди. Умирлик пайларда минора ичидаги айланма зиналардан тепадаги ўн олти равоқли қафаса-қўшқача чиқишни ва чор атрофга завқ билан боқишни ёқтирарди. Бир кунда икки мартадан ҳам чиқиб турган. Лекин қизик жойи, зиналарни диққат билан кўп марта санаб чиққан эса-да, нечталгини ҳозиргача ҳам аниқ билмайди. Улар гоҳ бир юзу туртга, гоҳ эса бир юзу учта чиқади!.. Тепадан узроқ-узроқларга боқар, Турон юртининг кенглиги ва улугворлигини юракдан туяур, бутун олам пайда ястаниб ётарди. Аммо ўнг оёғи ногирон бўлиб қолгандан сўнг, чиққани йўқ... Ҳозир минорага тикиларкан, баландлигига тан берди: «Кешда қурилатган улуг Оксарой доврди, худо хохласа, бариникидан ўтади... Бўйи ундан ҳам баланд бўлади, нақ юз газдан' ошади!» — деб қўйди ичида Амир Темуру. Арслонхоннинг Чағонидега тикланган, гиштдан эмас, худди ипақдан тўқилгандақ нақшинкор, гўзал кўринадиган бошқа бир минора ҳам унга жуда ёқди.

Соҳибқирон, чиндан-да, Бухорони азиз-авлиёлар макони деб атади. Аввалроқ, шайх Сайфиддин Боқарий даҳмаси атрофида мақбара ва хонақош тиклаш, гулзор қилиш ҳақида фармон берганди. Ҳазратни Наҳиддин Кубронинг шогирди, машури офоқ бу зот овозаси бошқа мамлакатларга ҳам ёйилган. Хижрий 658 йилда Чингизхон набираси Олтин Урда хони Беркашон Бухорога келиб шайх фатоси билан муслмонликка кирди ва мурид макомига эришди. Энди уни Беркашон эмас, Барақхон деб атай бошладилар. Ушбу воқеадан кейин, Сайфиддин Боқарий «шайх ул-олам» даражасига ноил бўлди, шаҳарга эса «Бухорийи шариф» унвони раво қўрилди. Соҳибқирон обод ва ораста мақбара-ю хонақош зиёратидан кўнгли таскин топти, ёнма-ён катта зиёратхона қуришларини бурди. Шаҳар доругасига яқинда оламдан ўтган қудратли шайх Баҳоуддин Нақшбанд мазорини обод этишни топширди, фақир мискинларга хайру эҳсонлар улашди.

Кунарнинг жуда иссиқлигиндан сахар салқинида Бухородан йўлга чиқишга қарор қилинди.

— Амир соҳибқирон мизожлариди дард аломатлари пайдо бўлибдур. Йўлга чиқиш хатарли...

— Батамом соғайиб кетсунлар, кейин жўнайлик! Урамдаги амирлар шундай дея, ўз андишаларини ҳазратга етказишни Амир Сайфиддин неқўз билан Муҳаммад Чурога долдохдан ўтиндилар. Жаҳоншоҳ ибн Жоку уларга қўшилди. Аммо жони оғриб турганига қарамай, Амир Темуру ўз сўзида қатъий эди:

— Киши катта сафар измини тугтонда, йўлнинг бошидаёқ касалланиб ётиб олмоғи ҳудод ҳам, бандасига ҳам номақулла ишдур. Сафарга чиққондан сўнг фанқас олма юрмак керак!

(Давоми газетанинг келгуси сониди)

1 Миллодий 1127 йил

2 Газ - 0,71 метрга тенг узунлик ўлчоғи.

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жонболар!

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ биржа савдоларига таклиф этади!

«V.P.CHKALOV nomli TOSHKENT AVIATSIYA ISHLAB CHIQARISH BIRLASHMASI» davlat aktsiyadorlik jamiyatining 2009 yil 27 fevraldagi 178-sonli majlis baeinomasiga xamda «Sotuvchi brokerning» 2009 yilning 16 iulidagi 007-sonli arzasiga va 2009 yil 06 martdagi №33/190-sonli shartnomaга asosan «Respublika kўchmas mulk birjasi» EAJ birja savdolariga umumiy qiymati 1 689 825 000 sum bulgan kuyidagi 97 dona 27 nomdagi asbob-uskunalarni joriy yilning 20 iul kundan boshlab birja savdolariga chiqarildi.

- 1. NASOS 200D90 Inv.raqami 32448, 1984 yil i/ч киритилган. Бошланғич баҳоси - 7 620 000 сўм; 2. NASOS Д-630/90 Inv.raqami 33175, 1986 йил и/ч киритилган. Бошланғич баҳоси - 7 458 000 сўм; 3. NASOS Д-630/90 Inv.raqami 33176, 1986 йил и/ч киритилган. Бошланғич баҳоси - 7 458 000 сўм; 4. NASOS ВВН-1,5 Inv.raqami 33597, 1985 йил и/ч киритилган. Бошланғич баҳоси - 740 000 сўм; 5. NASOS ВВН-1-3 Inv.raqami 33598, 1985 йил и/ч киритилган. Бошланғич баҳоси - 972 000 сўм; 6. NASOS ВВН-6 Inv.raqami 34789, 1991 йил и/ч киритилган. Бошланғич баҳоси - 1 676 000 сўм; 7. СИЛ-Т-Р МЗ-1000/10 Inv.raqami 25308, 1968 йил и/ч киритилган. Бошланғич баҳоси - 12 455 000 сўм; 8. Т-Р ТМ-1000/6 Inv.raqami 25329, 1942 йил и/ч киритилган. Бошланғич баҳоси - 12 455 000 сўм; 9. ТОК.ВИНТ.СТ-К 1К-62 Inv.raqami 14612, 1965 йил и/ч киритилган. Бошланғич баҳоси - 4 459 000 сўм; 11. ТОК.ВИНТ.СТ-К 1К-62 Inv.raqami 14661, 1967 йил и/ч киритилган. Бошланғич баҳоси - 4 459 000 сўм; 12. ТОК.ВИНТ.СТ-К 1К-62 Inv.raqami 14683, 1965 йил и/ч киритилган. Бошланғич баҳоси - 4 459 000 сўм; 13. ТОК.ВИНТ.СТ-К 1К-62 Inv.raqami 14818, 1958 йил и/ч киритилган. Бошланғич баҳоси - 4 459 000 сўм; 14. ТОК.ВИНТ.СТ-К 1К-62 Inv.raqami 14993, 1961 йил и/ч киритилган. Бошланғич баҳоси - 4 459 000 сўм; 15. ТОК.ВИНТ.СТ-К 1К-62 Inv.raqami 14996, 1962 йил и/ч киритилган. Бошланғич баҳоси - 4 459 000 сўм; 16. ТОК.ВИНТ.СТ-К 1К-62 Inv.raqami 15074, 1974 йил и/ч киритилган. Бошланғич баҳоси - 4 459 000 сўм; 17. ТОК.ВИНТ.СТ-К 1К-62 Inv.raqami 15095, 1974 йил и/ч киритилган. Бошланғич баҳоси - 4 459 000 сўм; 18. ТОК.ВИНТ.СТ-К 1К-62 Inv.raqami 15230, 1976 йил и/ч киритилган. Бошланғич баҳоси - 4 459 000 сўм; 19. ТОК.ВИНТ.СТ-К 1К-62 Inv.raqami 15236, 1971 йил и/ч киритилган. Бошланғич баҳоси - 4 459 000 сўм; 20. ТОК.ВИНТ.СТ-К 1К-62 Inv.raqami 14602, 1965 йил и/ч киритилган. Бошланғич баҳоси - 4 459 000 сўм; 21. ТОК.СТ.МОД 1К62Д Inv.raqami 15735, 1990 йил и/ч киритилган. Бошланғич баҳоси - 12 540 000 сўм; 22. ТОК.СТ-К 1К-62 Inv.raqami 14571, 1965 йил и/ч киритилган. Бошланғич баҳоси - 4 459 000 сўм; 23. ТОКАР.ВИНТОР.СТ-К 1К-62 Inv.raqami 15070, 1957 йил и/ч киритилган. Бошланғич баҳоси - 4 459 000 сўм; 24. ТОКАР.СТАН. 1К-62 Inv.raqami 14565, 1965 йил и/ч киритилган. Бошланғич баҳоси - 4 459 000 сўм; 25. ТОКАР.ВИНТ.СТАН.1К-62 Inv.raqami 14827, 1958 йил и/ч киритилган. Бошланғич баҳоси - 4 459 000 сўм; 26. ТОКАР.ВИНТ.СТАН.1К-62 Inv.raqami 14897, 1958 йил и/ч киритилган. Бошланғич баҳоси - 4 459 000 сўм; 27. ТОКАР.ВИНТ.СТАН.1К-62 Inv.raqami 15232, 1974 йил и/ч киритилган. Бошланғич баҳоси - 4 459 000 сўм; 28. ТОКАРНО.ВИНТОРЕЗ.СТ.1К-62 Inv.raqami 14603, 1965 йил и/ч киритилган. Бошланғич баҳоси - 4 459 000 сўм; 29. ТОКАРНО.ВИНТОРЕЗ.СТ.1К-62 Inv.raqami 14608, 1965 йил и/ч киритилган. Бошланғич баҳоси - 4 459 000 сўм; 30. ТОКАРНО.ВИНТОРЕЗ.СТ.1К-62 Inv.raqami 14649, 1967 йил и/ч киритилган. Бошланғич баҳоси - 4 459 000 сўм; 31. ТОКАРНО.ВИНТ.СТАН.1К-62 Inv.raqami 15371, 1974 йил и/ч киритилган. Бошланғич баҳоси - 4 459 000 сўм; 32. ТОКАРНО.ВИНТОРЕЗ.С-К 1К-62 Inv.raqami 14681, 1967 йил и/ч киритилган. Бошланғич баҳоси - 4 459 000 сўм; 33. ТОКАРНО-

- ВИНТОРЕЗ.С-К 1К-62 Inv.raqami 14886, 1958 йил и/ч киритилган. Бошланғич баҳоси - 4 459 000 сўм; 34. ТОКАРНО.ВИНТОРЕЗ.С-К 1К-62 Inv.raqami 14942, 1963 йил и/ч киритилган. Бошланғич баҳоси - 4 459 000 сўм; 35. ТОКАРНО.ВИНТОРЕЗ.СТ-К 1К62 Inv.raqami 14665, 1968 йил и/ч киритилган. Бошланғич баҳоси - 4 459 000 сўм; 36. ТОК-ВИНТОР.СТ-К 1 К-62 Inv.raqami 14876, 1958 йил и/ч киритилган. Бошланғич баҳоси - 4 459 000 сўм; 37. ТОКАР. ВИНТ.СТАН 1К-62 Inv.raqami 14911, 1961 йил и/ч киритилган. Бошланғич баҳоси - 4 459 000 сўм; 38. ТОКАР. ВИНТ.СТАН 1К-62 Inv.raqami 15086, 1969 йил и/ч киритилган. Бошланғич баҳоси - 4 459 000 сўм; 39. ТОКАРНО-ВИНТОРЕЗНИЙ 1К-62 Inv.raqami 15491, 1957 йил и/ч киритилган. Бошланғич баҳоси - 4 459 000 сўм; 40. ТОКАРНИЙ С-К 1К 62 Inv.raqami 15012 1981 йил и/ч киритилган. Бошланғич баҳоси - 4 459 000 сўм; 41. ТОКАР.ВИНТ.СТАН.1К62 Inv.raqami 15143, 1970 йил и/ч киритилган. Бошланғич баҳоси - 4 459 000 сўм; 42. КОТЕЛ ПАРОВОЙ ДКВР10,13 Inv.raqami 30004, 1965 йил и/ч киритилган. Бошланғич баҳоси - 34 196 000 сўм; 43. КОТЕЛ ПАРОВОЙ ДКВР6,5/13 Inv.raqami 30005, 1954 йил и/ч киритилган. Бошланғич баҳоси - 40 444 000 сўм; 44. ВЕРТ-СВЕР.СТ-К 2Н125 Inv.raqami 7227, 1976 йил и/ч киритилган. Бошланғич баҳоси - 3 066 000 сўм; 45. ВЕРТ-СВЕР.СТ-К 2Н125 Inv.raqami 7375, 1984 йил и/ч киритилган. Бошланғич баҳоси - 3 066 000 сўм; 46. ВЕРТ-СВЕРЛ.СТ.2Н135 Inv.raqami 7922, 1987 йил и/ч киритилган. Бошланғич баҳоси - 6 131 000 сўм; 47. ВЕРТИКАЛЬНО.СВЕР.СТ.2Н-135 Inv.raqami 7502, 1983 йил и/ч киритилган. Бошланғич баҳоси - 6 131 000 сўм; 48. ВЕРТИКАЛЬНО-СВЕР.СТ.2Н-135 Inv.raqami 7578, 1977 йил и/ч киритилган. Бошланғич баҳоси - 6 131 000 сўм; 49. ВЕРТ.СВЕРИЛЬНЫЙ С-К 2Н135 Inv.raqami 8042, 1987 йил и/ч киритилган. Бошланғич баҳоси - 6 131 000 сўм; 50. ВЕР.ФРЕЗ.СТ.6Р 135 Inv.raqami 6064, 1981 йил и/ч киритилган. Бошланғич баҳоси - 16 162 000 сўм; 51. ВЕР.ФРЕЗ.СТ.ФП-17 М Inv.raqami 2668, 1975 йил и/ч киритилган. Бошланғич баҳоси - 55 731 000 сўм; 52. ВЕРТ.ФРЕЗ.СТ-К ФП17М Inv.raqami 2859, 1981 йил и/ч киритилган. Бошланғич баҳоси - 55 731 000 сўм; 53. ВЕРТ.ФРЕЗ.СТ-К ФП17М Inv.raqami 2860, 1981 йил и/ч киритилган. Бошланғич баҳоси - 55 731 000 сўм; 54. ВЕРТ.ФРЕЗ.СТ-К ФП17М Inv.raqami 2948, 1983 йил и/ч киритилган. Бошланғич баҳоси - 55 731 000 сўм; 55. ВЕРТИК.ФР.СЧУП ФП-17 СМН2 Inv.raqami 2175, 1985 йил и/ч киритилган. Бошланғич баҳоси - 55 731 000 сўм; 56. ВЕРТИК.ФРЕЗ.С.ЧПУФП-17М Inv.raqami 2845, 1980 йил и/ч киритилган. Бошланғич баҳоси - 55 731 000 сўм; 57. ФРЕЗ.СТ.С ЧПУ ФП-17 М Inv.raqami 2818, 1978 йил и/ч киритилган. Бошланғич баҳоси - 55 731 000 сўм; 58. ФРЕЗ.СТ.С ЧПУ ФП-17 М Inv.raqami 2819, 1978 йил и/ч киритилган. Бошланғич баҳоси - 55 731 000 сўм; 59. ФРЕЗ.СТ.ФП-17 М Inv.raqami 2514, 1972 йил и/ч киритилган. Бошланғич баҳоси - 55 731 000 сўм; 60. ФРЕЗ.СТ.ФП-17МН7 Inv.raqami 1465, 1967 йил и/ч киритилган. Бошланғич баҳоси - 55 731 000 сўм; 61. ФРЕЗ.СТАН.ФП-17М47 Inv.raqami 1464, 1987 йил и/ч киритилган. Бошланғич баҳоси - 55 731 000 сўм; 62. ФРЕЗЕР.СТ-К ФП-17 МН7 Inv.raqami 1974, 1988 йил и/ч киритилган. Бошланғич баҳоси - 55 731 000 сўм; 63. ФРЕЗЕРНИЙ СТ.ФП-17М Inv.raqami 2640, 1974 йил и/ч киритилган. Бошланғич баҳоси - 55 731 000 сўм; 64. ВЕРТ-ФРЕЗ.С-К 6Р12 Inv.raqami 4475, 1981 йил и/ч киритилган. Бошланғич баҳоси - 10 032 000 сўм; 65. ВЕРТ.ФРЕЗ.СТ-К 6Р12 Inv.raqami 4559, 1981 йил и/ч киритилган. Бошланғич баҳоси -

Меҳнаткашлар ҳамда уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, мазмунли дам олдириш — қасаба уюшмалари фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди. Қадимий ва навқирон Тошкент шахрининг 2200 йиллиги байрам шодиёнасини нишонлашга бағишланган маданий-маърифий тадбирлар қатор меҳнат ва ўқув жамоалари ҳамда болалар соғломлаштириш оромгоҳларида ёзувчи, шоирлар, журналистлар, қасаба уюшма фаоллари иштирокида ўтказилмоқда.

Ёз — ўтмоқда соз

ОРОМГОҲДА МАЪРИФИЙ ТАДБИР

Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманидаги улуғвор тоғлар бағридаги «Кизилсув» хушманзара, сўлим табиат гўшасида жойлашган Чкалов номидаги «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамиятининг «Сокол» болалар соғломлаштириш оромгоҳида — шаҳри азим Тошкентнинг кутлуғ 2200 йиллик тўйига бағишлаб маданий-маърифий тадбир ташкил этилди. Тадбир давомида Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси қошидаги болалар ва ўсириллар адабиёти кенгашининг раиси, шоир Турсунбой Адашбоев билан азиз болалар, ёш ижодкорларнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Оромгоҳнинг маънавият ва маърифат хонасида қизиқарли тарзда ўтган шеърят кечасида турли миллат тилларида Ватани, она шахримиз Тошкентни мадҳ этувчи шеърлар болаларнинг бегубор қалбларидан чиқиб, ифодали ўқилиб, барчада унутилмас таассурот қолдириб, эзгуликка чорлаши билан бекиёс аҳамият касб этди. Айниқса, шеърларни чиройли тарзда ёддан ўқиган болаларга ҳамда тадбир ташкилотчиларига «Орузларим — кўш қанотим» китобининг муаллиф томонида эсдалик совғаси сифатида ҳада этилиши барча иштирокчиларга кўтаринки кайфият бағишлади.

— Тўғрақлар оромгоҳ фаолиятида муҳим ўринни эгаллайди. Масалан, биргина «Моҳир кўлар» тўғрагига 50 нафар ўғил-қиз қатнашди, — дейди тўғрақ раҳбари Ольга Пруцкич. — Тўғрақларда болаларнинг бисер тўқиш маҳоратини, қоғоздан, пластилиндан ясаган буюмлари улар ҳаёлот дунёсининг бойлигини, ижодкорлик сари интилишини яққол акс эттирди. Ёш ижодкорлар томонидан зар қоғоздан ясалган оққуш, пластилиндан



ишланган нуроний, хушчақчақ кексалар қиёфаси, турли шаклдаги самолётлар макетларини кўрган киши улар келажакда учувчи, авиасоз-конструктор, рессом, энг муҳими, меҳнатни севган камтарин, яхши инсон бўлиб камол топишига ишонч ҳосил қилади. Ёш қаламкашлар чуқур ҳурмат-эҳтиром рамзи сифатида ўзлари зар қоғоздан ясаган оққушни азиз меҳмон-устоз шоирга совға қилдилар. Отахон шоир билан учрашув орқали оромгоҳда умидли ижодкорлар камол топаётганлиги кашф этилиб, барчани қувонтирди.

«Мен Достон Озодхўжаев Шайхонтоҳур туманидаги 10-мактабда ўқийман, 11 ёшдаман, — дея бурролик билан сўз бошлади тадбир қатнашчиси. — «Класс» газетасига икки йилдан буён қатнашиб келаман. Тенгдошларимнинг газетасига, китоб ўқишга қизиқишини ошириш учун таниқли инсонлар билан суҳбатлар уюштираман. Келгусида халқаро журналист,

дипломат бўлишни орзу қиламан. Шу кун оромгоҳда шахмат, шашка бўйича ташкил этилган киз-киши улар келажакда учувчи, авиасоз-конструктор, рессом, энг муҳими, меҳнатни севган камтарин, яхши инсон бўлиб камол топишига ишонч ҳосил қилади. Ёш қаламкашлар чуқур ҳурмат-эҳтиром рамзи сифатида ўзлари зар қоғоздан ясаган оққушни азиз меҳмон-устоз шоирга совға қилдилар. Отахон шоир билан учрашув орқали оромгоҳда умидли ижодкорлар камол топаётганлиги кашф этилиб, барчани қувонтирди.

«Мен Достон Озодхўжаев Шайхонтоҳур туманидаги 10-мактабда ўқийман, 11 ёшдаман, — дея бурролик билан сўз бошлади тадбир қатнашчиси. — «Класс» газетасига икки йилдан буён қатнашиб келаман. Тенгдошларимнинг газетасига, китоб ўқишга қизиқишини ошириш учун таниқли инсонлар билан суҳбатлар уюштираман. Келгусида халқаро журналист,

дипломат бўлишни орзу қиламан. Шу кун оромгоҳда шахмат, шашка бўйича ташкил этилган киз-киши улар келажакда учувчи, авиасоз-конструктор, рессом, энг муҳими, меҳнатни севган камтарин, яхши инсон бўлиб камол топишига ишонч ҳосил қилади. Ёш қаламкашлар чуқур ҳурмат-эҳтиром рамзи сифатида ўзлари зар қоғоздан ясаган оққушни азиз меҳмон-устоз шоирга совға қилдилар. Отахон шоир билан учрашув орқали оромгоҳда умидли ижодкорлар камол топаётганлиги кашф этилиб, барчани қувонтирди.

Улуғбек ПУЛАТОВ

СУРАТДА: «Сокол» болалар соғломлаштириш оромгоҳи ҳаётидан лавҳа

Спорт янгиликлари

БАРАКАЛЛА, УМИДЖОН!

Кун кеча Филиппин пойтахти Манила шаҳрида эркин ва юнон-рум кураши бўйича уюштирилган Осиё чемпионатидан ҳамюртимиз Умиджон Усмонов Осиё чемпиони номига сазовор бўлиб юртимизга ёруғ юз билан қайтди.

Шуниси қувонарлики, ушбу нуфузли турнирга жиддий ҳозирлик кўрган Умиджонга 84 килограммгача бўлган эркин курашчилар баҳсида тенг келадиган рақиб топилмади.

Шунингдек, эркин кураш мусобақаларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Асибулла Курбонова (50 кг) кумуш, Алишоҳ Воҳидова (66 кг), Амирхон Мирзаева (96 кг) бронза медаллари nasib этди.

Юнон-рум кураши беллашувларида ўз вазн тоифаларида ҳамюртларимиз — Баҳром Муродов, Мўминжон Абдуллаев кумуш медаллар билан тақдирланишган бўлса, Абдурашид Бердалиев, Ермахан Мамбетовлар бронза медаллари билан кифояланишди.

ҒАЛАБА БИЛАН БОШЛАДИ

АҚШда теннис бўйича эркалар ўртасида ташкиллаштирилган халқаро турнирни ҳамюртимиз Денис Истомин ғалаба билан бошлади.

Ғап шундаки, мукофот жамғармаси 600 минг АҚШ долларига тенг бўлган ушбу турнирнинг дастлабки учрашувида мезбонлар вакили Кевин Кимга қарши қортга чиққан Денис уч сет натижаларига кўра мурасасиз кечган баҳсда 2/6, 6/4, 6/4 ҳисобида зафар қучди ва кейинги босқич йўлланмасини кўлга киритди.

НЕСТЕРОВ — «БУНЁДКОР»ДА

«Пахтакор» командаси ва Ўзбекистон терма жамоасининг биринчи рақамли дарвозабони Игнатий Нестеров эндиликда амалдаги чемпион «Бунёдкор» жамоаси сафида тўп суради.

Кун кеча «Бунёдкор» клуби матбуот маркази ташаббуси билан футбол мутахассислари ва мухлислари иштирокида уюштирилган танштирув маросимида Нестеровнинг ўзи «Бунёдкор» жамоаси билан уч ярим йиллик шартнома имзолаганини эълон қилди. (Ўз мухбиримиз)

Дастурхонингизга

ГЎШТЛИ ЧАМБАР

Бу таом рецепти анча ноодатий туюлсада, лекин ундаги маҳсулотлар оддий ва ҳаммабоп. Тайёрлаш ҳам жуда осон.

Керак бўладиган маҳсулотлар: 1кг қийма, 150 гр. нон, ярим литр сут, 8 дона тухум, бир бош пиёз, бир дона сабзи, икки дона саримсоқ, икки ош қошиқ ўсимлик мойи, таъба кўра туз ва мурч. Дастлаб оддий тузли сувда бир зувала хамир қорилди.

Сўнг сутда эзилган нонни сиқиб оламиз ва қийма билан аралаштирамиз. Иккита тухумнинг оқини кўпиртириб, уни ҳам қиймага қўшамиз ва майда тўғралган сабзи, саримсоқ ва пиёзни қизиб турган товадаги ёғда қовуриб оламиз. Бир оз совуғач қийма яна аралаштирамиз. Тайёр бўлган қийманинг ярмини қолига чамбар шаклида жойлаштириб, устидан қайнатиб пиширилган тухумларни терамиз. Сўнг яна бир қатор қийма қўйиб, қошиқда текислаб қиқиш мумкин. Тухумлар гўшта ботиб турсин.

Хамирни ёйиб, 2-2,5см қалинликда 12 та тасма қирқинг. Тасмаларни қийма устидан бир хил ораликда қўйиб чиқасиз. Тайёр чамбарни 200 даражада қизиб турган газ печиде 35-40 дақиқа давомида пишириб оласиз. Қарабсизки, хушхўр, маза-ли таом тайёр.



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

ХИКМАТЛАР

ИЛМ МАШАҚҚАТИ

Ҳақимдан: — Шунча илми қандай ҳосил қилдинг? — деб сўрадилар.

У айтди: — Илм ўқийтган пайтларимда ёндирган чироқ мойини ҳисобласанг, еб-ичган нарсаларимдан кўпроқ бўлади. Бундан маълум бўладики, вақтни еб-ичиш ва ўйин-кулгига сарфлашдан кўра илмга сарфлаш зарур экан.

ИЛМ ЁЗУВ БИЛАН БОҚИЙ Бир донишманд айтиди: — Илм ботида ниманики эшитсанг ёзиб қўй, қоғоз бўлмаса, деворга бўлса ҳам ёз. Чунки ёдланган нарса унутилади, ёзилган нарса эса абадий қолади.

ХУНАР ВА ОЛТИН Бир ҳақим ўз ўғлига насиҳат қилиб, шундай дер экан: Олтининг харж билан охир бўлар кам,

Хунар шундай ганжи, камаймас ҳеч дам! Уларнинг фарқини айтсам агарда, Хунар бир чашмадир, олтин-чи, шабнам!

САДОҚАТЛИ ДЎСТ ТОПИШ МАШАҚҚАТИ Бир ҳақимдан сўрадилар: — Қандай сафар энг узоқ сафар? Жавоб берди: — Садоқатли дўстни қидириш сафариди!

КИМ БИЛАН ДЎСТ БЎЛИШ КЕРАК? Донолар айтишича, уч гуруҳ кишилар билан дўстлик йўлини тутиш мақсадга мувофиқ: Биринчиси, илм аҳли бўлиб, улар ўз ҳаётларини илму одоб билан ўтказган ва ҳаётнинг барча аччиқ-чучугини тортган бўладилар. Иккинчиси, олижаноб кишилар — улар ўз дўстларининг айбларини одамлардан яширадилар ва ҳеч қачон ошқор қилмайдилар. Хилватда дўстдан содир бўлган хатоларни юзларига айтиб берадилар ва улардан ҳеч бир насиҳатларини аямайдилар.

Учинчиси, беғараз ва бетама кишилар бўлиб, уларнинг дўстликлари ҳақиқий, бирор фойда топиш эвазига қурилмаган бўлади.

ҚАНДАЙ ДЎСТ ЯХШИ? Бир ҳақимдан сўрадилар: — Дўстларнинг қайси бири сенга кўпроқ ёқади, қайси бири эса акалик даражасига етиб борди, ҳаммасидан қайсисига муҳаббатинг баландроқ?

Ҳақим шундай деб жавоб берибди: — Уришиб қолсам, ярашадиган ва узр сўрасам, кечирадигани!

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

«YOSHLIK QURILISH PLUS» шўъба корхонаси ўз фаолияти тугатилганлигини эълон қилади. Барча даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Ўзбекистон кўчаси, 98 А-уй манзили, тел: 338-81-56 бўйича қабул қилинади.

СОҒЛИҒИМИЗНИ АСРАШ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

кунларида эпидемияга қарши ишлар янада кучайтирилган. Бу борадаги ишлар маҳаллий ҳокимият органлари, транспорт ва сайёҳлик компаниялари, корхоналар, ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари иштирокида амалга оширилмоқда. Болалар, таълим ва даволаш муассасалари, транспорт, одамлар тўпланадиган жойлар, жумладан, бозорлар, овқатланиш ва савдо корхоналари, темир йўл ва автобекатлар, аэропортлар, давлат чегараларимизда санитария-назорат пунктлари қуни туни ишлаб турибди. Санитария шифокорлари мамлакатимизга келадиган фуқаролар соғлигини, келтириладиган озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва бошқа товарларнинг эпидемиологик хавфсизлигини синчиқлаб текширмоқда.

Шифокорларимиз бошланғич соғлиқни сақлаш бўғинлари, қишлоқ врачлик пунктлари ходимлари билан бевосита ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Ёз мавсумида соғломлаштириш оромгоҳларида профилактика чораларига риоя қилиш устидан назорат кучайтирилган ҳам ана шундай чоратадбирлардандир.

Бозорларимизда, умумий овқатланиш муассасаларида гўшт, сут, мева-чева ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини сотаётганлар ҳам, уларни харид ва истеъмол қиладиганлар ҳам, аввало, маҳсулотнинг тозаллиги ва озодлигига алоҳида эътибор қаратиши, маҳсулотларни сақлаш ҳамда соғлиқ жараёнида санитария-гигиена қоидаларига қатъий амал қилишлари зарур.

Кўпчилик ҳудудда эпидемия ва эпизоотик вазиятнинг барқарорлигини таъминлаш, четдан юқумли касалликларнинг кириб келиши ва тарқалишини олдини олиш мақсадида жойларда режалли равишда эпидемия ва эпизоотияга қарши тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу мақсадда мол ва деҳқон бозорларида, кушхона, сўйиш майдончалари, гўшт дўконлари ва бошқа жойларда чорва моллари миграцияси устидан давлат ветеринария нazorати кучайтирилди.

Мамлакатимиз давлат чегараларини кесиб ўтиш жойларидаги санитария нazorати масканларининг фаолияти янада кучайтирилди. Тошкент халқаро аэропорти санитария нazorати масканига қўшимча электрон термометрлар келтирилди.

Албатта, тегишли ташкилотлар томонидан кўриладиган бундай кенг қўламли чоратадбирлар ўз самараларини бермоқда. Аммо, бу асло бепарволикка берилиш керак дегани эмас. Ҳар биримиз санитария ва гигиена қоидаларига қатъий риоя этишимиз, ҳар доим оғоҳ ва хушёр бўлишимиз юқумли касалликлардан ишончли ҳимояланишимизнинг оддий ва ишончли қафолати эканини унутмаслигимиз даркор.

ЎЗА МУХБИРИ ОЛИМ ТУРАКУЛОВ ЁЗИБ ОЛДИ.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. Факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2857 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамитига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомини»нинг компьютер марказида терилди ва сақланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

156 89